

Ёшлар етакчилари билан учрашув үтказилди



Давлатимиз раҳбари раислигига жорий йилнинг 11 апрель куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан үтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Термиз тумани ҳокими маҳалладаги ёшлар етакчилари билан учрашув үтказилди.

Учрашув давомида ёшлар билан ишлаш тизимини туманда намунали тарзда ташкил этиш ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий реабилитация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бу борадаги ишларни амалга ошириш учун масъул этиб, сектор раҳбарлари ва ташкилотлар биректирилди.

Шунингдек, ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини тумандаги ҳар бир маҳаллада намунали тарзда ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.